

# O'ZBEKISTON




## OVOZI

IJTIMOYIY-  
SIYOSIY  
GAZETA

■ 2003-YIL ■ 28-AVGUST ■ PAYSHANBA ■ 103-104 (27.124) ■ uzbevoz@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

### ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 27 август куни Оқсаройда АҚШ Конгресси Вакиллар Палатаси Қуролли Кучлар бўйича қўмитасининг ҳарбий таъминот бўйича ички қўмитаси раиси Курт Велдон раҳбарлигидаги бир гуруҳ конгрессменлар делегациясини қабул қилди.

Америкалик конгрессменлар Ўзбекистонда кўп меҳмон бўлган. АҚШдаги олий қонун

чиқариш маҳкамаси вакилларининг мамлакатимизга бундай қизиқиши эса икки томонлама муносабатлар тобора мустақамлашиб бораётганидан яна бир далолатдир. — Сизнинг ушбу ташрифингизни ҳам ривожланиб бораётган ҳамкорлигимизнинг белгиси деб биламиз, — деди Ислам Каримов учрашувда.

Мамлакатимиз раҳбари икки томонлама муносабатларнинг жадал ривожидан мамнуният

изхор этар экан, Ўзбекистон бу алоқаларни қадрлашини, айни пайтда бизни АҚШнинг халқаро террорчиликка қарши курашдаги муваффақиятлари ҳам қувонтиришини таъкидлади.

Меҳмонлар қатор халқаро масалалар, жумладан, террорчилик, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси каби муаммоларга ечим топишда икки мамлакатнинг қарашлари ўхшашлиги, ушбу ҳамфикрлик аксилтеррор курашида самара бераётгани, унда Ўзбекистоннинг ҳиссаси катта эканлигини таъкидлаб, халқаро коалицияни қўллаб-қувватлагани учун мамлакатимиз раҳбариятига яна бир бор миннатдорлик билдирди.

Сўхбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизликка оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

(ЎЗА).  
Суратда: қабул пайти Абдувоҳид Тўраев (ЎЗА) олган сурат

### ЯНГИ ИНШООТЛАР БИЛАН ТАНИШУВ



Президент Ислам Каримов пойтахтимизни ободонлаштиришга ҳамиша алоҳида эътибор қаратиб келади. Мамлакатимиз раҳбарининг таклифи билан Тошкентда кичик халқа йўлини бунёд этишга киришилган эди. 2001-2002 йиллари йўлнинг дастлабки икки босқичини фойдаланишга топширди. Истиқлолнинг 12 йиллиги арафасида унинг 8,7 километрлик учинчи қисми ҳам қуриб бўлинди. Амир Темури кўчасида бошланган халқа йўли Мирзо Улугбек ва Маннон Уйғур кўчалари кесилган жойда бунёд этилган кўприкни бориб кўрди.

Мамлакатимиз раҳбари мутаассаддилар билан сўхбат чоғида кичик халқа йўлини қуришдан мақсад шахар бўйлаб узлуксиз ҳаракатланиш имкониятини яратиш эканлигини таъкидлади. Ҳисоб-китобларга кўра, Тошкентнинг бир четидан иккинчисига етиб бориш учун узоғи билан 45 дақиқа сарфланиши керак. Лекин шу вақтгача бундай имконият йўқ эди. Мазкур лойиҳа ҳақида биринчи бор гап чиққан пайтда минг кишига 65 шахсий машина тўғри келган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич юздан ошиб кетган.

Чорраҳаларда қўлай ҳаракат учун шароит яратиш зарурати экологик тозалик ва хавфсизлик масалалари нўқтай назардан ҳам муҳим эди. Кўчалардаги ҳаракат тизимининг таъмирлашни қийинлаштириди, ён-атрофдаги муҳитга салбий таъсир кўрсатади, ҳалокатлар эҳтимолини оширади.

Президентимизнинг ҳаётда ўз аксини топаётган ушбу ташаббусдан Тошкент аҳли ва меҳмонлари жуда миннатдор. Янги йўллар пойтахт чиройини очиб, қўлайликлар туғдирибгина қолмай, шахарни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишга ҳам хизмат қилади.

Ислам Каримов одатда аввал йўл барпо этилиб, кейин ён-атрофига уй-жой ва бошқа иморатлар қурилиши лозимлигини яна бир бор таъкидлади. Тошкент эса 1966 йилги зилзиладан кейин аниқ ва пухта режасиз тикланган. Шу боис ҳам биналар ва йўллар жойлашувида номуносиблик мавжуд эди. Бугун пойтахтимизда бу муаммо муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари шу ерда пойтахтга янги олиб келинган «Мерседес» русумидаги автобусларни кўздан кечирди.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтини ҳам бориб кўрди.

Шу йилнинг 22 майида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилган бу олий ўқув юрти ўз соҳаси бўйича Марказий Осиёдаги ягона илм даргоҳидир. Унда божхона ишининг барча соҳалари бўйича таълим берилади.

Президентимизнинг ҳаётда ўз аксини топаётган ушбу ташаббусдан Тошкент аҳли ва меҳмонлари жуда миннатдор. Янги йўллар пойтахт чиройини очиб, қўлайликлар туғдирибгина қолмай, шахарни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишга ҳам хизмат қилади.

(Давола 3-бетда.)

### ХДП хабару

#### ПАРЛАМЕНТ ФРАКЦИЯСИГА ТАВСИАЛАР

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг шу йил 27 августдаги, Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов олиб борган мажлисида иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XII сессияси муносабати билан партиянинг парламент фракциясига тавсиялар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда айтилишича, МК Сиёсий ижроқўми Олий Мажлисининг XII сессиясида мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қонунлар лойиҳаларининг муҳокама этилиши кўзда тутилаётганлиги ва Ўзбекистон ХДПдан Олий Мажлисга сайланган депутатлар ҳамда партия ташкилотларининг уларни ишлаб чиқишда ўз таъкидлари билан фаол қатнашганликлари инобатга олиб, тақдим қилинган ҳужжатлар лойиҳаларини асосан қўллаб-қувватлашни партия фракциясига тавсия эди. Шу билан бир қаторда, МК Сиёсий ижроқўми мажлисида айрим қонунлар лойиҳалари юзасидан фракциянинг аниқ таъкидларини тайёрлаб, уларни сессияда кўриб чиқишига эришиш топширилди.

Шунингдек, Сиёсий ижроқўми мажлиси партия ташкилотларининг мамлакатимиздаги турли нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлигининг аҳоли ва уни янада ривожлантиришнинг навбатдаги вазифалари тўғрисида қарор қабул қилди. Унда ХДП ташкилотлари, МК V пленуми кўрсатмаларига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик бора-бора муайян ишлар амалга оширилганлиги, шу билан бирга, партия тузилмаларининг ушбу соҳадаги фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди ҳамда тегишли вазифалар белгилаб олинди.

#### СЕУЛЛИК ШИФОКОРЛАР — САМАРҚАНДА

Шаҳар марказида кўним толган Саид маҳалла Боғишамол туманининг обод гўшарларидан. Атрофи боғ-роғ, гулзорлардан иборат маҳалла маркази доимо одамлар билан гавжум.

Яқинда маҳаллага жанубий корейлик бир гуруҳ шифокорлар ташриф буюришди. Улар бу ердаги шифо масканига инсонларварлик ёрдами — дори-дармон, ташхис қўйиш-

#### Эътироф ҚУТЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига биноан бир гуруҳ ватандошларимиз ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнатлари учун «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди-

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

#### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI FAOLIYATINI YANADA TAKOMILLASHTIRISH CHORA-TADBIRLARI TUGRISIDA

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, шунингдек инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат тузилишини, шу жумладан суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ҳукуматининг қарорлари ижросини таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг са-

#### ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Яқинда вилоят «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармаси Испаниядан қиймати 288 минг евро турадиган лаборатория ускуналари келтирилди. У шахарга узатиладиган ичимлик сув сифатини, таркибини илгариларига қараганда тез аниқлаб бериши билан ажралиб туради.

Мутахассисларнинг фикрича, бу ускуналар Испаниядан узоқ мuddатли кредит асосида Бухорога етказиб бериладиган катта миқдордаги замонавий сув жиҳозларининг дастлабкисидир. Испания Қироллиги билан тузилган шартномага асосан Мадрид тўрт йил мобайнида Бухорога қиймати 16 миллион 175 минг еврога тенг хар хил ускуналар жўнатади. Улар Бухоро ва Когон шаҳарлари ҳамда Олот туманида ишлатилаётган сув насослари ўрнига ўрнатилди.

Қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

1. Қўнидагилар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг энг муҳим вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

1. Қонунчилик ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таъминлашнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, улар амалга оширилишини таъминлаш;

2. Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;

(Давола 3-бетда.)

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

#### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGINING UN IKKI YILLIGI MUHOSSABA BILAN FAN, SOGLIQLI NI SAQLASH, MADANIYAT, MA'NAVIYAT VA MA'RIFAT, SAN'AT, OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI HAMDA IJTIMOYIY SOHALAR XODIMLARIDAN BIR GURUHINI MUHOFFOTLASH TUGRISIDA

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқаро мидеода унинг нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишга қўшган салмоқли ҳиссаси, ўзининг ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт ва бошқа ижтимоий соҳалардаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI SAN'AT ARBOBI»  
Алиқулов Алишер Маҳмудович — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтаъсвирчи  
Рафиқов Муҳаммад Мухиддинович — Бухоро вилоят телерадиокомпанияси режисёри

«ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI FAN ARBOBI»  
Солиқов Рустамон Собирович — Ўзбекистон Фанлар академияси Биокимё институти лаборатория мудири

«ЎЗБЕКISTON IFTIXORI»  
Крушевский Сергей Александрович — Марказий ҳарбий спорт клуби ҳарбий хизматчиси  
Левина Татьяна Борисовна — Давлат спорт қўмитасининг гребля бўйича спортчи-йуричиси  
Нуриллаев Бахтиёр Абатович — Қорақалпоқ давлат университети талабаси

«ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI HALK ARTISTI»  
Бойқонова Зулайхо Мамажоновна — Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри актрёси  
Исмоилова Дилбар Обидовна — Аббор Хидоят номидаги Ўзбек давлат драма театри актрёси  
Носиров Элёр Расулочев — Аббор Хидоят номидаги Ўзбек давлат драма театри актрёси

Шукurov Собиржон Тўлаганович — «Уста-до» халқ санъати усталари корхонаси наққоши

«ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI HALK XOFIZI»  
Эркаев Али (Алижон Эркаев) — А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти доценти, ҳофиз

«ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASIDA XIZMAT KURSATGAN ARTIST»  
Аҳмаджонов Шукрулла — М.Кориёқубов номидаги академик ва халқ бадий жамоалари дирекцияси созандаси (найчи)  
Беганичева Бекамтош — М.Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри актрёси  
Гафаров Руслан Раевич — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри орандаси  
Жалолов Фотиҳ Хамидович — «Ўзбекино» давлат-акционерлик компанияси актрёси

«ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MA'NAVIYAT VA MA'RIFAT»  
Жўрабоева Раъно Болтабоевна — «Ўзбекрақ» миллий рақс бирлашмаси «Тановар» рақс ансамбли раққосаси  
Исмоилова Зарифа Ҳасановна — А.Қаҳҳор номидаги Республика сатира театри актрёси  
Исроиллов Жўра Исмоилович — Жиззах вилояти Ю.Ражабий номидаги мусиқали драма театри актрёси  
Кайипназарова Турсингул Айтмибетовна — Бердак номидаги Қорақалпоғистон мусиқали драма театри актрёси  
Карим Абдулазиз Сирожиiddин ўғли — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси, композитор  
Каримов Рўздат — О.Ҳужаев номидаги Сирдарё вилояти мусиқали драма театри актрёси  
Луковникова Гульнора — Ўзбекистон рус академик драма театри актрёси  
Маъсудов Фатхулло Ҳусанович — Ўзбек Миллий академик драма театри актрёси  
Маткаримов Тошпўлат Каршибевич — Тошкент вилояти «Қурама» ашула ва рақс ансамбли бадий раҳбари, хонанда  
Матёқубов Равшанбек Жуманиёвич — Хоразм вилояти «Хива нахшлари» ашула ва рақс ансамбли хонандаси  
Моддаханов Сейдулла Абдуллаевич — «Илҳом» театри актрёси  
Мухторов Мадина Сандазимовна — Ўзбек Миллий академик драма театри актрёси  
Раҳимов Баҳрулла Мардиёвич — Ҳамид Олим номидаги Самарқанд вилояти мусиқали драма театри актрёси  
Тошпўлатов Худойёр — Республика Ёш томошбинлар театри актрёси  
Шалберкин Андрей Александрович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри балет солисти  
Шомаърупов Абдулла Набиевич — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Нола» гуруҳи хонандаси  
Ҳамидова Юлдуз Олимовна — «Ўзбекфильм» киностудияси актрёси

(Давола 2-бетда.)

#### Хушхабар

#### АБДУЛЛАНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Ҳамюртимиз Абдулла Тангриев Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида талабаларнинг Бутунжаҳон универсидадасида дзюдо бўйича оғир вазндаги (+90 кг.) полвонлар ўртасида олтин медални қўлга киритди. Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот хизмати ходимлари кеча Сеулга қўнғироқ қилиб, Абдуллани табриқлашди. Ёш спортчимиз ушбу галабасини мустақиллигимизнинг ўн икки йиллик байрамига бағишлашини билдирди.

ТАХРИРИЯТ





# Азиз юртиндошлар!

«Ўзбекэнерго»  
давлат акциядорлик  
компанияси жамоаси

12 йил

1991

2003

*Сизни энг қиз, энг азиз, байрам — юртинимиз  
Истиқлолнинг 12 йиллиги шодийнаси билан тин қалбдан  
муборакбод этади.*

*Байрам руҳи баргамизга мамлакатимиз салоҳиятини яна-  
да мустаҳкамлаш, амалга оширилайётган ислоҳот оқимла-  
рини жадамлаштириш ва халқимиз турмуш даражасини  
бундан-да юксалтириш йўлида куч-қувват баҳш этсин.  
Мамлакатимизда тинчлик, оилаларда тотовлик  
барқарор бўлиб, хотаотларимиз доим фойзли,  
баракали ва ёрқ бўсин.*



Муҳтарам Юртиндошлар!

Ўзбекистоннинг энг йирик ва  
универсал банкларидан бири

**ХАЛҚ БАНКИ**

Мамлакатимизнинг барча фуқароларини  
республикамиз мустақиллигининг

**12 йиллиги**

байрами билан самимий муборакбод этади.

Сиз азиз Ватандошларимизга тинчлик-омонлик, оилавий бахт тилаб,  
Халқ банки навбатдаги янги «ОРЗУ» — қисқа муддатли,  
ютуқли омонат турини

**ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

Омонатга пул маблағлари **3 ой** муддатга қабул қилинади.


Сиз омонатингизга ҳисобланган юқори фоизли даромадларни олиш билан бир  
қаторда **1 000 000 сўм**лик ютуқ совриндори бўлиш имкониятига эгасиз.

**ХАЛҚ БАНКИ** — АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ  
САҚЛАНИШИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН  
**ЯГОНА БАНҚДИР!**



**Nestlé**

Соғлом таом, Соғлом ҳаёт



**Nestlé Uzbekistan LLC**

Ўзбекистон халқининг миллий айёми —  
**МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 12**  
йиллиги билан табриклайди



Юртим жамоли

# ЮТУҚЛАР КАЛИТИ — МАНФААТДОРЛИКДА

...Қашқадарёда бу йил галла мўл бўлди. Тандирлардан узилаётган қип-қизил нонлар иси тутди гўё оламни. Хирмонлар осмон-ла бўйлашди. Тайёрланган галла 700 минг тоннага етди. Бу мамлакат вилоятлари ичида энг кўпи. Утган йили барака уруғи сепилган 230000 гектар майдоннинг 170 минг гектарини суғориладиган ерлар ташкил этди. Бу борада Қарши, Косон, Касби туманлари карвонбошлик қилишди. Айниқса, Қарши тумани деҳқонларининг улуши катта эканлигини эътироф этмоқ керак. Хўш, ютуқлар калити нимада? — Биринчи ўринда, одамларнинг меҳнатга муносабати ўзгарганида, — дейди Қарши тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Шомурот Султонов. — Галпинг очиги, айниқса, ҳозир меҳнатни моддий манфаатдорликсиз тасаввур этиб бўлмайди... — Тўғри айтасиз, — унинг фикрини қувватлади тумандаги «Истиқбол» ширкат хўжалиги раиси Камол Равшанов. — 880 гектар ерга галла экандик. Давлатга 3444 тонна дон топширдик. Етиштирилган жами 5280 тонна буғдойнинг қолганини одамларга улашдик. Давлатга 3444 тонна дон топширдик. Етиштирилган жами 5280 тонна буғдойнинг қолганини одамларга улашдик. Хўжаликда эришилаётган ютуқлар талайгина. Буларни бир-бир санаб ўтишга ҳожат йўқ. Аммо бир нарсани айтиб ўтмоқ керак: утган йил галладан 53 центнердан ҳосил олинган бўлса, бу йил бу кўрсаткич 60 центнер бўлди. 2002 йилда хўжалик 270 миллион сўм соф фойда билан чиқди. Шундан 22 миллион сўми дивиденд учун ажратилди. Кейин янги техникалар олинди ва бошқа режалар асосида мақсадли харажатларга сарфланди. Хўжаликнинг Насим Примов, Отабек Баратов, Дилму-

род Омонов, Нарзулла Холбоев бошлиқ ижарачилари самарали меҳнат қилишди. Айниқса, бу йил улар ҳар гектар ердан 60,65,70 центнердан ҳосил кўтарилди. — Лекин одамларимиз фақат галлага қараб қолгани йўқ, — дейди хўжалик бошқаруви аъзоси Карим Бозоров сўхбатимизга қўшилган. — Хўжалик ҳудудида 12 та қишлоқ бор. Ҳар бир қишлоқнинг ўзига хос деҳқончилик аъёнаналяри бор. Масалан, «Таллиқўро-н»ликлар қўқат, «Юқори бақирчи»ликлар бодринг, «Қумбойғунди»ликлар эса қовун етиштириш билан шуғулланишди. Хўжалигимизда ижтимоий ҳимояга оид тадбирлар яхши йўлга қўйилган. Дарвоқе, ижтимоий ҳимоя борасида Қарши тумани хўжаликларидида самарали тадбирлар қўлланилаётир. Собир Раҳимов номли қишлоқ хўжалиги кооперативи — тумандаги энг илғор хўжаликлардан бири. Мазкур даргоҳ деҳқонлари давлатга 3380 тонна галла топширишиб, йиллик режани биринчилардан бўлиб удалашди. Амалда эса 5270 тонна ишлаб чиқарилди. Қолгани иш ҳақи ва ижтимоий ҳимоя тарикасида одамларга тарқатилди. Хўжалик ҳудудида 3 та мактаб бор — уларнинг жорий таъмири, ўқув дарсликлари масаласида жамоа бошқаруви ҳар йили кенгаш қарорига асосан ёрдамни аямаяди. Айни кунларда Фаробий номли ўрта мактаб ва Навбахор кўрғончасида жойлашган қишлоқ врачлик пунктида қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. — Утган йили биргина галланинг ўзидан 130 миллион сўм соф фойда олибсизлар. Қолаверса, хўжалик ҳар йили

яхши ютуқларга эришаркан... — Барака топишсин, ижарачиларимиз. Меҳнатни шулар қияпти, — дейди хўжалик раиси Суён Абдиев. — Фақат сувини, ўғитини вақтида етказиб беролсак бўлди. Асосий вази-фамилс ҳам ўзи шу-да... — Раҳматулла Шодмоновни Косон туманида яхши билишадди. У «Тўлга» фермер хўжалиги бошлиғи. Иш кўзини билади, тадбиркор раҳбар. Одамларга иш топиш душвор зармонда 80 кишини иш билан таъминлаган. Уларга ойма-ой маош бериб бориляпти. Бундан ташқари, бу йил галла ўрими якунланиб, 80 оиланинг жон бошига 170 килодан галла бепул тарқатилди. «Тўлга» муваффақиятлари йил сайин ортиб бормоқда. Ерни эгасига берилиши, унга муносабат ва эътибор, яна биринчи навбатда, моддий манфаатдорлик назарда тутилганлигини ютуқлар омили десак, янглиш бўлмайди. Хуллас... ҳамма гап яна ўша тинимсиз, машаққатли меҳнатда. Кўрсаткичлар ёмон эмас. Мана қаранг, биргина яқин йиллар орасида олинган даромадни олайлик: 2001 йил фермер хўжалиги 38 миллион сўм даромад қилганди. Аммо, харажат катта бўлди — 27 миллион сўм. Соф фойда 11 миллион сўм. Лекин бу ҳам ёмонмас. Шу ҳисобдан даставвал хўжалик учун зарур «ТТЗ» трактори олинди. Қолгани эса ойлик, ижтимоий ҳимоя ва кейинги мавсумда етиштириладиган ҳосил харажати учун сарфланди. 2003 йилда эса даромад 61 миллион сўм бўлди. Харажат 32 миллион, соф фойда 29 миллион сўми ташкил этди. Соф фойда ҳисобидан ҳайдов трактори сотиб олинди — 16 миллион сўмга... Яна қишлоқ-

даги «Яшин» болалар боғчасига 300000 сўм, Тайлоқ Ёрқулов номли мактабга 500000 сўмлик, қишлоқ шифохонасига эса 230000 сўмлик ҳимойлик ёрдамлари кўрсатилди. — Муаммолар ҳам йўқ эмас... Пилладан 2 миллион сўм даромад қилдик-ку, бироқ 2 йилдан буён пилла пулини ололмаямиз, — дейди Раҳматулла Шодмонов. Афсуски, бундай эътироз фақат Бўлмас қишлоғида жойлашган «Тўлга» фермер хўжалигида эмас... Жаҳон бозоридида нархи балеанд, харидоригир пилла хомашёси етиштирувчилар моддий манфаатдорлигини таъминловчи нуқта-назаридан мукамал ва мунтазам самара берувчи тадбирларни ўйлаб кўриш керакка ўхшайди. — Айни вақтларда Қарши шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари суръати жадал. Биргина 1991 йилгача қурилган юздан ортиқ кўп қаватли уй-жойларни мукамал таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, жорий йил ҳисобидан ҳозиргача 224,8 млн. сўмлик маблағ сарфланди. Жами яшаш майдони 16052 кв.метр бўлган уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Унлаб савдо дўконлари ва маиший хизмат тармоқлари қайта қурилди. — Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида қатор объектлар фойдаланишга топширилди, — дейди шаҳар ҳокими, Олий Мажлис депутати Илҳом Асадов. — «Санотқурилиш банки»нинг Темирийўл бўлими биноси, Маиший хизмат кўрсатиш биноси, Б.Шерқулов кўчасидаги меҳмонхона биноси ва яна қатор маҳаллаларда қад ростлаётган гузарлар... Йиллар силсиласида шаҳарда оз эмас, кўп эмас, унча-мунча кишилар раҳбарлик қилди. Ҳар қайсининг иш услуби, тамойили ва рафтори ўзига хос эди. Тўғриси, шаҳарга арзигулик иш қилмаган ҳокимлар ҳам бўлди. Лекин бугун шаҳарга фойда яна қайтгандек... Қарши унча катта эмас. Аммо бағри кенг, чиройли. Оқшомлари ёғдуларга чўмилган, фавворалари беназир, гўзал... — Кент-у.

Илҳом КАРОМОВ

# "ОСИЁ — ВЕСТ" ЎЗБЕКISTON — ГЕРМАНИЯ — ИСРОИЛ ҚУШМА ҚОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*Ўзбекистонлик барга дуқароларни энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақилликнинг 12 йиллиги шодиёмаси билан сатиний қутнайдиги.*

*Ўзбў байрамнинг кўта-ришқи руҳи хаттанатизга таттақатиниз қўдратини тустакатташи, амалга оширилайтган ислохотларни эмада жадратташи-тириши, халқиниз тур-туви даромадасини бу-дан-да юксалти-ришида энг кут-қувватлар бахш этсин.*

**Азизлар!**

**Барчангизни улуг ва азиз байрам билан табриклар эканлиғиз, юртимизга тинчлик, оилаварга тотувлик доимо ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.**



# АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»

Ўзбекистон халқини, ўз акциядорлари ва мижозларини, барча ҳамкасбларини, Республикамиз Мустақиллигининг 12 йиллик байрами

билан сизқидилган муборакбод этади!

*Сиз азизларга соғлиқ, оилавий бахт, ҳамда татлақатиниз қўлаб-қилнаши йўлида олиб борилайтган ислохотларни амалга оширишида омадлар тилаймиз!*

«Пакхта Банк»

Қаровонлигиниз қалитидир!

«Пакхта Банк» Кенгаши ва Бошқаруви

## Кўнғирок

АЛЛО,  
«ЎЗБЕКISTON  
ОВОЗИ»МИ?..

Телефонда — «Замин» давлат акциядорлик ипотека банки Самарқанд бўлими бош хисобчиси ўринбосари Дилшод МАХМАДКУЛОВ:

— Газетангизнинг кечаги сонинда «Мустақиллик — энг олий неъмат!» рукини остида берилган «XXI аср Ўзбекистон ёшлари» саҳифаси материалларини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Гапнинг рости, уларга ҳавасим келди, ҳам фахрландим.

Мен ҳам 24 ёшдаман. Олий ўқув юртини тугатиб, банк соҳасида ишлаяпман. Тенгдошларимнинг фикрлари билан танишгач, ўйланиб қолдим. Давлатимиз, Ватанимиз бизга катта ғамхўрлик қилапти, Мустақиллик ёшларга кенг имкониятлар эшигини очди. Биз бунга жавобан нима қилаймиз? Юртимиз мустақиллиги барчамизнинг ҳаётимизда энг катта бахт ва бебаҳо бойлик. Замонавий илм даргоҳларида таҳсил олдик, дунёнинг энг юксак техника воситаларини ўзлаштирдик. Бошқача айтганда, бугун жаҳоннинг илғор мамлакатлари ёшлари билан баҳслашаёلمиз, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни исботлаёلمиз.

Юртбошимиз бизга катта ишонч билдираяпти. Биз бу ишончга муносиб бўлишимиз керак, деб ўйлайман.

## 3,5 МИЛЛИАРД РУБЛЬ АЖРАТИЛАДИ

Россия давлат Думаси депутатлигига сайловларни ўтказиш учун давлат бюджетидан 3,5 миллиард рубль ажратилишини Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняков маълум қилди.

У Федерация субъектлари сайлов комиссиялари раҳбарларининг Бутунроссия йигинида сўзга чиқарган, сайлов ўтказиш ҳақида Президент фармони эълон қилингандан сўнг 10 кун ичида маблаг Марказий сайлов комиссияси ҳисобига ўтказилиши лозимлигини алоҳида уқтирди. Унинг айтишича, иш ҳақи ва нашр маҳсулотлари харажатлари мазкур маблагнинг 60 фоизини ташкил этади, дея хабар беради «Новости» агентлиги.

ЎЛИМГА МАҲКУМ  
ЭТИЛДИ

Reuters агентлиги берган хабарга кўра, Покистоннинг икки фуқароси Саудия Арабистонида боши танидан жудо қилинди. Саудия Арабистони Ички ишлар вазирлиги баёнотида айтилишича, икки покистонликнинг ўлимга маҳкум этилишига сабаб, Саудия Арабистони ҳудудига гиёҳванд модда — героин олиб ўтганлигидир. Шундай қилиб мамлакатда ўлимга маҳкум этилганлар сони бу йил 35 кишига етди.

## АНТИҚА КЎРГАЗМА

Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай шаҳрида «Меркато» савдо маркази томонидан уюштирилган рўқча ва қаламлар кўргазмаси очилди.

«Новости» агентлиги хабар беришича, кўргазма рўқча ва қаламлар тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Яъни унда патли рўқчадан тортиб замонавий ёзув қуроллигача бўлган кўргазмалар намойиш этилмоқда. Айрим экспонатлар зарғарлик санъати билан яратилган бўлиб, уларнинг баҳоси бир неча минг долларни ташкил этади.

Шунингдек, «Гулвер» қалами ҳам кўргазмадан ўрин олган. Мазкур қаламнинг узунлиги 2,6 метр бўлиб, қалинлиги 36 сантиметр дур. Альбом эса 6 метр кенгликни қамраб олган. Бу экспонатларни айниқса, болалар катта қизиқиш билан томоша қилмоқда.

Кўргазма БААдаги давлат мактабларида янги ўқув йили бошланishiга бағишланади.

Дароқе, бу ердаги давлат мактабларида ўқиб 1 сентябрдан, хусусий мактабларда эса икки ҳафтадан сўнг бошланади.



Онтарио кўчалари

## МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТНИ КИМ БОШҚАРАДИ?

Иорданияда чоп этиладиган «Ал-Хадас» ҳафтанома Ироқ Муваққат кенгаши бошқаруви берган манбаларга таяниб хабар беришича, Ироқда янги тузилажак муваққат ҳукумати Аднан Пачачи (Бажажжи) бошқарадиган бўлиб турибди.

Ироқ Муваққат кенгаши бошқаруви раиси Иброҳим Ал-Жаафарининг Оммонда бўлиб ўтган матбуот анжуманида айтишича, 23 вазирдан иборат Ироқнинг янги ҳукумати таркиби шу ҳафта охирида эълон қилинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳукумат таркибида мудофаа ва ахборот вазирлари бўлмайди. Янги таркиб Американинг Ироқдаги маъмурияти раҳбари Пол Бремер томонидан тасдиқланиши лозим.

Аднан Пачачи ҳақида тўхталадиган бўлсак,

у 1923 йили Бағдодда туғилган. Сунний мазҳабига мансуб. 60-йилларда Ироқнинг ташқи ишлар вазири ва икки бор БМТда Ироқ вакили бўлган.

1970 йилдан бери Бирлашган Араб Амирлигида яшайди. 2002 йилгача БАА Президенти шох Зоид Бин Султон ол Нахаённинг ташқи сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчи бўлиб фаолият юритган.

БАА фуқароси. Кўпгина араб давлатлари раҳбарлари билан яхши алоқада.

Шу йил бошларида Бағдодда муҳолифат партия — «Мустақил демократик уюшмаси»ни тузди ва унга етакчилик қилмоқда. Ироқ Муваққат кенгаши бошқаруви аъзоси. Ҳозир шу кенгаш делегацияси таркибида араб давлатлари бўйлаб таширфни давом эттирмоқда.

## ХИТОЙ ЖАНУБИДА ТЎФОН

Хитой жанубида юз берган табиий офат — Крованһ тўфони натижасида икки киши бевақт ҳаётдан кўз юмди.

«Синьхуа» агентлиги хабар беришича, тўфон 11 мингта уйнинг томини учириб кетган, электр узатиш тармоқларини иш-

## ЭЛЧИХОНА ЁПИЛАДИ

Ироқ маъмурияти мамлакатнинг Озарбайжондаги дипломатик миссиясини август охирида ёпиш ҳақида қарор қабул қилди.

Маълумки, Ироқнинг Озарбайжондаги элчиси Ғолиб Абд Хусайн ва унинг ёрдамчиси Ироқда ҳарбий ҳаракатлар яқунлангач, ўз ватанига жўнаб кетган эди. Бугунги кунда элчихона таркиби атташе ва матбуот хизматидангина иборат.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ироқ маъмурияти ҳаммаси бўлиб 30 та мамлакатда (Россиядан ташқари барча МДҲ мамлакатларида ҳам) ўз элчихоналарини ёпишга қарор қилган. Бунга сабаб молиявий етишмовчиликдир, дейилади «Интерфакс» ахборотида.

## РАД ЭТДИ

Эроннинг Натанц шаҳридаги корхоналардан бирида иш олиб бораётган МАГАТЭ (Атом энергияси бўйича халқаро агентлик) инспекторлари бойитилган уран қолдиқларини топиди, дейилади МАГАТЭ вакили берган маъруза асосланган тарқатилган Associated Press агентлиги ахборотида. Бу эса ядро дастури устида иш олиб бормоқда, дея Эрондан шубҳаланиб юрган айрим давлатларни ташвишга солиб қўйди.

Эслаб ўтамиз: бойитилган уран қолдиқлари топилганлиги ҳақида МАГАТЭ инспекторлари биринчи марта июлда баёнот берган эдилар. Ўшанда сув ва тупроқдан олинган таҳрибалар «уран-235» борлигини тасдиқлаган эди.

Бироқ Эрон ташқи ишлар вазири Камол Хоразми Хитой Халқ Республикаси раиси Ху Цзиньтао билан учрашув чоғида Эрон ядро қуроли ишлаб чиқариш билан шуғулланмаётганини, аксинча, унинг ядро дастури тиңчилик мақсадларига қаратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу ҳақда People's Daily газетаси хабар тарқатди. Вазир берган баёнотда айтилишича, Эрон МАГАТЭ билан яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлиги ўқтирилган.

ҚИШЛОҚДА  
КОЛЛЕЖ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда барча талабларга жавоб бера оладиган замонавий ўқув масканларини барпо этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам Навоий шаҳридан 100 километр узоқликдаги «Реватун» қишлоғида (Қизилтепа тумани) 600 ўринли, солиқ ва солиққа тортиш, молия, банк, менежмент, маркетинг соҳалари бўйича мутахассислар тайёрладиган иқтисодий йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши амалга оширилмоқда. Уни Темур Малик номли акциядорлик жамияти қурувчилари бунёд этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Мустақиллик байрамини муносиб қутиб олаётган қўли гул қурувчилар шу кунгача 820 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишларини адо этдилар.

— Айни кунда коллеж қурилишида 420 нафар қурувчи-му-



тахассис иштирок этмоқда, — дейди акциядорлик жамияти раиси А. Холиқов. — Қурилиш-монтаж ишлари сифатли бажарилишида бош муҳандис Ё.Гадоев, иш юритувчилардан М.Исоқов, М.Қодиров, ғишт терувчи К.Бердиев, ҳайдовчи О.Тешаев бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Эслаб кўринг, собиқ совет даврида биронта ўзбек қишлоғи ҳудудида замонавий касб-ҳунар коллежи қурилганми? Бугун истиқлол шабадаси туйғайли қишлоқ ва шаҳар қиёфаси тенглашмоқда. «Реватун» касб-ҳунар коллежи қурилиши эса қишлоқдаги ёшлар истеъдодини тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

Ўқтир ПЎЛАТ

АҲОЛИГА ХИЗМАТНИНГ  
ЯНГИ ТУРЛАРИ

Мамлакатимизнинг нуфузли банкларидан бири — «Ўзсаноатқурилишбанк» ўз миқозларига ҳам миллий, ҳам хорижий валютада хизмат кўрсатмоқда. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида жорий этилган «Ўзбекистон-экспресс» тизими бўйича республикамиз ичида миллий валютадаги пул жўнатмалари бўйича молиявий хизмат миқозларга маъқул келмоқда. Ушбу тизим аҳолининг нақд пул маблағларини бир минтақадан иккинчисига тез, қулай ва арзон ўтказишга имкон берапти. Нақд пул маблағларини ўтказиш ва уларни тўлаш бўйича барча операциялар «Ўзсаноатқурилишбанк» филиалларидаги мавжуд омонат кассалари орқали амалга оширилмоқда.

«СОНТАСТ» деб номланган пул жўнатмаларининг тизими эса банк томонидан жисмоний шахсларга «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан тақлиф этилаётган хизматларнинг янги замонавий тури ҳисобланади. Мазкур тизим ёрдамида миқоз хорижий валютани чет элга юбориши ёки республикага жўнатилган хорижий валютани олиши мумкин.

Абдугани СОДИҚОВ

«ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС»  
ДАВЛАТ УЮШМАСИ ЖАМОАСИ


АЗИЗ ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ ЭНГ АЗИЗ  
ВА ЭНГ УЛУҒ БАЙРАМ — ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ  
12 ЙИЛЛИГИ  
ШОДИЁНАСИ БИЛАН МУБОРАҚБОД ЭТАДИ.

Ҳизр назари тушган  
бу юртга кўз тегмасин,  
тинчлик ва барқарорлик абадий бўлсин!

Ўн икки йил мобайнида Ўзбекистонда мисли қўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Бу узоқни кўзлаб амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг, халқимиз бунёдкорлик меҳнатининг ёрқин самарасидир. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш борасида эришилган ютуқлар киши кўзини қувонтиради. «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси ўтган йиллар давомида жамоат транспортини ривожлантириш ва аҳолига хизмат кўрсатиш борасида катта ишларни амалга оширди. Пойтахт транспортчилари замонавий ва қулай бўлган транспорт воситаларида йўловчиларнинг узоғини яқин қилаётганлигидан фахрланади.

Азиз юртдошлар! Қутлуғ айём билан табриклар эканмиз,  
ҳар бир хонадонга тинчлик, фаровонлик, дастурхонига  
қут-барақа тилаймиз.  
Осмонимиз мусоффо, йўлимиз ҳамини  
равон ва беҳатар бўлсин!








# «NAVOIYAZOT»

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ МЕХНАТ ЖАМОАСИ

бунёдкор Ўзбекистон халқини энг улуг ва энг азиз байрам —





**12** йиллиги



Ўзбекистон серкўёш, жаннатмакон, саноат корхоналари ривожланган ўлка. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Истиқлол туфайли юртимизда иқтисодий тараққиётнинг имконият эшиклари кенг очилган. Шу боис меҳнат жамоамиз ишлаб чиқаришнинг энг мақбул ва самарали йўлларида илгарилаб бормоқда. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли моллари, минерал ўғитлар, кимёвий дориворлар ва бошқа маҳсулотлар халқаро сертификат ва юқори сифат кўрсаткичига эгаллиги учун жаҳон бўйлаб эътироф топмоқда. Буларнинг замирида мустақилликнинг фарахбахш мезонлари мужжасам эканлигини яхши тушунамиз. Эртамиз бугундан-да саодатли бўлишига шак-шубҳа йўқ.

*Азиз юртдошлар!*

*Барчангизни улуг ва азиз байрам билан қутлар эканлигиз, юртимизга тинчлик, оилаларга тотувлик доимо ҳамроҳ бўлишини тилаймиз. Ватан ўзра Озодлик ва Ҳурлик кўёши мангу порласин. Муқаддас юртимиз шўхрати янада зиёда бўлсин!*



**АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНК**

## «АЛОҚАБАНК»

**жамоаси**

**Ўзбекистон халқини, ўз акциядорлари ва ҳамкасбларини ҳамда mijozларини энг улуг ва энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг**

### **12 йиллиги**

**билан самимий муборақбод этади.**

«Алоқабанк» юртдошларимизга эзгулик, бахт, фаровонлик, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларидаги яратувчанлик меҳнатларида юксак муваффақиятлар тилайди.

Шу билан биргаликда, юртимиз аҳолисига пул маблағларини ишончли сақлаш ва қўшимча даромад олиши учун қулай бўлган юқори фоизли, муддатли «**БАЙРАМ**», «**МАХСУС**», «**ОРЗУ**», «**ЯХШИ НИЯТ**» ва «**ХУМО**» каби омонат турларида ўз маблағларини сақлашни таклиф этади.

ҚУШИМЧА МАЪЛУМОТ УЧУН  
ТЕЛЕФОН: 133-62-54, 137-10-20.

Тақдимом

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Устоз мақоми жуда баланд-да, сен илм берган, яхшиликка ўргатган, ҳаёт сўқмоқларидан илдам қадам ташлаб, юсакка интилаётган шогирдлар камолини, улар муваффақиятини кўриб хурсанд бўласан.

Мен бу китобни қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Чунки Президентимиз Ислам Каримовнинг инсоний хислатлари, қалбининг кенглиги, инсонпарварлиги, ўз юртига садоқати ҳақида у билан ишлаган, мулоқотда бўлганлар оғзидан ашитиш бошқача таассурот қолдиради.

Мазкур китоб айниқса шуниси билан қадрлики, ўша мураккаб, оғир шароитда Ислам Каримовнинг эл-юрт манфаатини кўзлаб, адолат билан иш юритгани тўғрисидаги таассуротлар жамланган.

Бу китобнинг аҳамиятли томонларидан яна бири шундаки, ўсиб келаётган ёш авлод яқин ўтмишда халқимиз бошидан кечирган оғир кунларни, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримовнинг Қашқадарёдаги фаолиятини ёрқин мисолларда тасаввур қилади.

Китобдаги бир саҳифа — Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг ҳикояси мени жуда тўлқинлантириб юборди. Уша давр Абдулла аканинг ҳам бошига кўп маломатлар тушган, уни ҳимоясига олган, оёққа туришига, ижодкор сифатида фаолият кўрсатишига ёрдам берган ҳам Ислам Каримов эди.

Шоир кўнгил тубидаги миннатдорчилик туйғуларини «Фидойи» шеърларида баён қилган бўлса, ажаб эмас. Китоб яна шуниси билан қадрлики. Қашқадарё вилояти раҳбарининг ўта талабчанлиги, ростўйлиги, ҳалоллиги ҳақидаги ҳикоялар ҳозирги баъзи таъма-гир раҳбарларга, бойлик кетидан қуваётган, фақат ўзини ўйлайдиган кимсалар учун сабоқ бўлар деб ўйлайман.

Мен Қашқадарё халқининг Юртбошимиз Ислам Каримов ҳақидаги дил изҳорлари битилган китобни ўқиб, унинг тақдиротида олимлар, ўқитувчилар, фахрийлар, талабалар, оммавий ахборот воситалари ходимлари билдирган фикр-мулоҳазаларни эшитиб, ҳаёлимга, бир гап келди: бу китоб раҳбарман деганга ҳаётини қўлланма, сабоқ чиқариб олинмаган манба.

Азизахон ЗАЙНИТДИНОВА, олимпиада

31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куну

Агент «Машраб» ахбороти: Самарқанд, «Қизил Ўзбекистон» газетаси таҳририяти. 1926 йил 25 март.

«Таҳририятнинг бир хонасида Зиёвутдинов, Норбўтабеков, Исоқов, Холботиров ўзаро суҳбат қилишди. Адлия халқ комиссариати коллегия аъзоси Тошпўлатбек Норбўтабеков шундай деди:

— Урисларнинг ҳозирги сифати асрий миллий низо билан боғлиқдир... Бу нафрат, низо узок даврлардан бери юз бермоқда... Шу боисдан биз учун бирдан-бир ва энг ишончли умид хоржий давлатлардир. Улардан биз ёрдам ҳам кутмоғимиз зарур. Агар худо хоҳласа, улар бизларни бу мустамлақачилар зулмидан халос этадилар. Файзулла Хўжаев ва Хидиралиевлар гафлатда қола олмайдилар — масалани улар кенгроқ қўядилар ва масала ижобий маънода ҳал этилажак».

НКВД архивдаги бу ҳужжат мустақид совет тузумида тараққийпарвар эътилолар қандай назоратда яшаганларидан бир далолатдир, холос. Ҳар бир зиёли ортидан айғоқчилар қўйиларди.

20 — 30-йиллардаги «кишлоқ ҳўжалигини жамолаштириш» кампанияси билан боғлиқ қонунбузарликлар ва уларнинг бошларида турган машўм «учлик» кирдикорларига бир назар ташлайлик. 1930 йил 20 февралда марказдан келган қарорда Ўзбекистонда яшовчи «биринчи тоифали 1000 фаол кулоқ»ни қамоққа олиш буюрилди.

«Учлик»нинг 1930 йил 27 октябрдаги йиғилишида Носирхонтўра Камолхонтўраев иши кўрилди. Бу машўр мудarris 1917 йил февраль инқилобидан октябрь тўнтаригача бўлган даврда Наманган шаҳар думаси аъзоси бўлган. 1917 йил ноябрда Қўқон мухторияти ҳўкуматининг вазири лавозимида ишлаган. Истиклолчилиги билан танилган бу зиёли 1925 йили қамалиб 1928 йилгача сургунда бўлган. 1930 йилга келиб яна қамоққа олиниб, отувга ҳўкм қилинади.

Термиз оператив сектори тайёрлаган иш материаллари

ган ахборотида 1930 йил 20 февралдаги қарор мuddатдан аввал ва ошиги билан бажарилганини, яъни 1195 киши хибсага олинганини баён этишган.

«Учлик» фақат 1930 йил 22 февралдан 2 июнгача бўлган қиска давр ичида 583 кишини отувга ҳўкм қилди ва бундан бир неча бор кўп микдордаги кишиларни қондагерларга 3-10 йил мuddат билан қамоқ жазосига ҳўкм этди. Улардан бир қисми қамоқ ва сургун жазосини ўташ учун Сибир, Урал, Шимол ва Қозғоғистонга бадарга қилиндилар.

бўйича «учлик» 1931 йил 13 октябрдаги йиғилишида 159 киши тақдирини ҳал қилди. 16 октябрда Хива, Урганч, Хазорасп туманлари бўйича ишлар кўрилиб, Хивадан 17 киши отувга ҳўкм этилади. Улар қаторида Матёқуб Ясовулбоши (55 ёшда, хон амалдорлари оиласидан), 1928 йили кулоқ қилинган), Пөлвон Қози (Қизилёр қишлоғидан, 1930 йилда қолхозга қарши кучайтирилган тарғибот олиб борган), Исмоил Ражаб Девон Хожи Девон (55 ёшда, Уста Хўжакеч қишлоғидан) Нақиб Хожи Фаритдин Нақибов (55

Комиссарлиги учлигининг 1937 йил 10 августдаги йиғилиши 1-сон баённомаси. Учликнинг раиси ЎзССР Ички ишлар Халқ Комиссари Зағвондин, аъзолари Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети котиби Икромов А, ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети раиси ўринбосари Тўрабеков.

«Эшитилди: ЎзССР Ички ишлар Халқ Комиссарлигининг 1894 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, собиқ йирик кулоқ, 1919 йилдаги Осиповнинг аксилинқилобий исёни иштирокчиси, йирик ер эгаси,

«Учлик»нинг 1937 йил 17 августдаги йиғилишида Мўхаммад Шарифбой Худойбердиев—Суфизода (1867 йили Чуст шаҳрида туғилган, 1919 йилгача муҳожирликда яшаган, 1919 йилдан 1922 йилгача ВКП (б) аъзоси бўлган, ундан ўз ихтиёри билан чиқиб кетган, «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, 1933 йилдан нафақада) тақдирини ҳал қилди. Унга муҳожиратдан келган «чет эл разведкаси топшириғига кўра «Миллий истиклол» аксилинқилобий ташкилотига кирган, фаол аксилинқилобий фаолият олиб борган, босмачиликни кўрлаб-қувватлаган, аксилинқилобий гуруҳлар ташкил

ОЙБОЛТА КўТАРГАН «УЧЛИК»

УНИНГ 1937 ЙИЛ 23 АВГУСТДА БўЛИБ ўТГАН БИРГИНА ЙИҒИЛИШИДА 95 КИШИ ўЛИМГА МАҳКўМ ЭТИЛГАН ЭДИ

Масалан, «учлик»нинг 1930 йил 22 февралдаги қарори билан Андижон ГПУсининг тақдимига кўра, 11 киши бой ва кулоқ бўлгани, ўтмишда «босмачиликка» кўмаклашгани, уларни яширганликлари айби билан отувга ҳўкм этилди.

Марказнинг топшириғи бажарилгандан сўнгра ҳам «кулоқ»ларни террор қилиш тўхтамади. Қаллақасарлик кучайгандан кучайиб борди, қатагон домига кўпдан-кўп ватандошларимиз тортилавердилар.

«Учлик»нинг 1930 йил 27 октябрдаги йиғилишида Носирхонтўра Камолхонтўраев иши кўрилди. Бу машўр мудarris 1917 йил февраль инқилобидан октябрь тўнтаригача бўлган даврда Наманган шаҳар думаси аъзоси бўлган. 1917 йил ноябрда Қўқон мухторияти ҳўкуматининг вазири лавозимида ишлаган. Истиклолчилиги билан танилган бу зиёли 1925 йили қамалиб 1928 йилгача сургунда бўлган. 1930 йилга келиб яна қамоққа олиниб, отувга ҳўкм қилинади.

Термиз оператив сектори тайёрлаган иш материаллари

ёшда, Хива шаҳрида яшовчи Асфандиёрхоннинг қайнотаси) бор эди. Жонабек Қўшбеги Худойбердиев, Саъдулла Урни Тўра Саид Абдуллоҳонов, Салимхўжа Хонхўжаев, Абдураим Девон Матёқуб Девон, Бобожон Эшон Улуғжон Эшон, Отаёр Эшон Улуғжон Эшон, Умаржон Эшон, Абдулла Эшон Мамажон Эшон каби таниқли зиёлилар ҳам отувга ҳўкм этилдилар.

Мустақид ГПУ амалдорлари Урганч туманида яшовчи қарияларни ҳам аяммай қатагон қилдилар. Мулла Қўччай (75 ёшда), Худойберган Юсупмаш (69 ёшда), Хайдаров Абдураим (55 ёшда), Нурман Воисов (85 ёшда), Мулла Рўздат Худойберганов (60 ёшда) шулар жумласидан бўлиб, улар ўлимга ҳўкм этилганлар.

Ҳатто 1937 йилда ҳам кулоқ тамғаси билан кўрлаб деҳқонлар қатагон қилинган. Бу вақтда энди СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1937 йил 30 июлдаги 00447-сонли директиваи асосида «иш» қўрилган эди.

Қўлимизда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Халқ

эксплуататорнинг ўғли Абдусатторхўжа Абдуҷабборхўжаевни айбловчи 4315-сонли иш.

Қарор қилинди: Абдуҷабборхўжаев Абдусатторхўжа — отилсин.

Унинг шахсига мансуб буюмлар мусодала қилинсин». 1937 йил 14 августдаги учлик йиғилишида отувга ҳўкм қилинган 56 кишидан бири Абдуқодир Қўшбеғиев эди. У 1882 йилда Тошкент шаҳрида собиқ Кўдон хони Худойберган амалдорларидан бирининг оиласида туғилган. 1918 йилдан 1925 йилгача ВКП(б) аъзоси бўлган.

Уша кунги йиғилишида Андижон сектори тақдим этган 2672-сонли иш кўрилади. 65 ёшли, Андижон райони, Маслаҳат қишлоғидан, руҳоний Мулла Тўраҳон Абдуқайюмов масжидда ибодат қилиш чоғида йиғилганларга қарата мавжуд советлар ҳўкмиятига қарши аксилинқилобий нутқ сўзлагани, тўпланганларни Ўзбекистонда «Муслмонлар» давлат қуриш учун ибодат қилишга даъват қилгани учун отувга ҳўкм қилинган.

этишда ташаббус кўрсатган, шахсан ўзи ёзган аксилинқилобий шеърларни тарқатган деган айб қўйилди. Ана шу тўқима айби учун машўр шоир Суфизода қатл этилди. «Учлик»нинг 1937 йил 23 августдаги биргина йиғилишида ҳаммаси бўлиб 95 киши ўлим жазосига ҳўкм қилинди.

Мустақид совет тоталитаризми даврида асоссиз қурбон бўлганлар ва уларнинг жоғиали тақдирини ҳақидаги айрим ҳўжжатларни Сиз, азиз муштарийлар ҳўқмига ҳавола қилдик. Тегишли ҳўжжатларда бу каби аччиқ, аламли, дардли тарихимиздан шохидлик берувчи кўрлаб ҳўжжатлар сақланиб қолган эканини, уларни буюк истиклолимиз шарофати ила ўрганиш, тадқиқ этиш имконига эга бўлаёلمиз. Албатта, бунинг қадрига етиш, шу кунларга етказганига шўқроналар айтиш керак!

Рустам ШАМСУТДИНОВ, тарих фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

BOSH MUHARRIR Safar OSTONOV TAHRIR HAY'ATI Abdulla ORIPOV Abdullhafiz JALOLOV Azimjon AYUPOV Aziz NOSIROV Ashur QODIROV Bobir ALIMOV Habib SA'DULLA Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir o'rinbosari) Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistan») Nomoz SA'DULLAYEV Rahima HAKIMOVA To'lepbergen QO'PIBERGENOV Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO' LIMLARI: Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55

Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36

Parlament va huquq 136-57-20

Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43

Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Kotibiyat 133-72-83

Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUHBIRLARI: Andijonda — 25-16-16 Buxoroda — 222-10-92 Gulistonda — 25-03-80 Jizzaxda — 5-49-85 Navoiyda — 3-39-20 Namanganda — 26-43-43 Nukusda — 222-70-12 Samarqandda — 35-20-54 Urganchda — 226-51-35 Farg'onada — 26-43-62 Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. Navbatchiy MIBRFAZIYEV Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar Ikromjon ISMOILOV Ilyor UBAYDULLAYEV «Shara» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Oo'rtasida 00004-raqam bilan royxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat ta'hiriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 762

7731 nusxada bosiladi Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 01.30 1 2 3 4 5 6 SOTUVDA ERKIN NARXDA

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» Мухтарам юртдошлар! СИЗЛАРНИ УЛУҒ БАЙРАМ — МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 12 ЙИЛЛИГИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ! Умумхалқ байрамида барча оилаларга тинчлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, фаровонлик ва қўт-баракат тилаймиз! Шу фурсатдан фойдаланиб, «Ўзсаноат-қурилишбанк» даромадларингизни ошириш мақсадида Сизларга юқори даромад берувчи «Келасжак» номли сақлаш мuddати бир йил бўлган, ҳар ойда 3,5 фойиз даромад тўланадиган мuddатли омонат турини тақлиф этади. Ушбу омонатга ҳисобланган фойиз даромади ҳар ойда талаб қилинмаса, бир йил сақланган мuddат учун омонатга тўланадиган даромад 51 фойизни ташкил қилади. Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 120-45-17, 120-45-24, 133-34-45. ЎЗ ЖАМҒАРМАЛАРИНГИЗНИ АСРАШ ВА КўПАЙТИРИШ ИМКОНИНИ ҚўЛДАН БОЙ БЕРМАНГ!

АЗИЗ ВА МУҳТАРАМ ЮРТДОШЛАР! Халқаро Шароф Рашидов хайрия фонди жамоаси сизларни энг улуг, энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги билан чин қалбдан табриклайди. Ҳаммаларингизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат тилаймиз. Мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни ҳар томонлама ривожлантириш борасидаги ишларингизга муваффақият тилаймиз. Халқаро Шароф Рашидов хайрия фонди Марказий Кенгаши

Ҳикматли сўзлар маъноси Икки ёрми — бир бумун

Бу мақолини кўпинча деҳқонлар туйшақ қилганларида айтганлар. Туйшақ шундай бўлади: айтилик, бир деҳқоннинг бир ҳўкизи бор. Ер ҳайдаш учун эса икки ҳўкиз керак. Шунда у ўзига ўхшаган яқна ҳўкизлик деҳқон билан битишадида, ҳўкизин жуфт қилиб, ерини ҳайдаб олади.

«Miragemebel» Yopiq aksiyadorlik jamiati shaklida O'zbekiston-Turkiya qo'shma korhonasi (Манзили: Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ж.Остонов кўчаси, 8-уй, х/р 20214000204203551001 АИТБ «Ипак йўли» банки, МФО 00444, ИИН: 204148265, ОКОНХ: 15271) Ўзбекистон Республикаси «Аксиядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 23-модасига мувофиқ барча кредиторларини акциядорларнинг 2003 йил 15 августдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори билан жамият Устав фонднинг микдори 250000 АҚШ доллари ёки 191 027 500 сўмдан 77 000 АҚШ доллари ёки 58 836 470 сўмга камайтирилганлиги ва унинг янги микдори 173 000 (Бир юз етмиш уч минг) АҚШ доллари ёки 132 191 030 сўмга тенглиги тўғрисида хабардор қилди.

Кредиторларнинг талабларини 195-98-19, 192-91-39, 192-99-28 телефонлари орқали бир ой давомида қабул қилинади. Қўшма корхона Кузатув кенгаши

Кейин у деҳқон ҳам бунинг ҳўкизидан фойдаланиб, ерини ҳайдаб олади. Шундай қилиб, иккаласининг ҳам иши битади. Мажози: бир одам муайян ишининг бир томонини билади-ю, бир томонини билмайди. Иккинчи одам эса бунинг аксича, ишининг у томонини билади-ю, бу томонини билмайди. Демак, иккаласи ҳам «яримта» одам. Агар улар қўшилишса, бир бутун бўлиб, ишни битказишади. Мақолнинг замирида кишиларни бирлашишга, ҳамкорликка даъват этувчи фикр яширинган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги дерматология ва венерология илмий текшириш институту 2003 йилга 2 та ўринга — аспирант, 1 та ўринга — докторант қабул қилиш учун ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. Танловга эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мuddат ичида ҳўжжатлар қабул қилинади. Қўшимча ахборотни 114-50-01 рақамли телефон орқали илмий кенгаш котибидан олиш мумкин. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 3-уй. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманларо фўқаролик ишлари судининг 2002 йил 16 декабрдаги ҳал қилув қарорига асосан «Соғлиқ табассуси» ҳўсурий фирмаси номига берилган 2059378875 рақамли ер кадастр ҳўжжати ва 8-86/2000 реестр рақамли бино кадастр ҳўжжатлари БЕКОР ҚИЛИНАДИ